

Дастлаб бадий проза эмас, балки поэзия келиб чиккан. Шу сабабли, гапни шеърий эпосдан бошлаймиз. Чунки эпос поэзиянинг энг кадимги тури хисобланади. Унинг тугилиши инсоннинг меҳнат фаолияти билан боғлиқдир. Маълумки, энг кадимги замонларда одам-нинг меҳнат фаолияти асосан овчиликдан иборат бўлган. Агар у шимол денгизларида кит ва бошка катта балик-лар овлаган бўлса, жазирама жанубда шер ва йўлбарсларни тутган. Натижада, мана шу ов жараёнида инсон турли жасоратлар, ботирликлар кўрсатган, хайратомуз ишлар қилган. Унинг қахрамонлари халқ онгида ва калбида турли ўй-туйгулар уйготган. Оқибатда, бу қахрамонликлар муайян бадий асар учун манба бўлиб хизмат қилган. Аввал алоҳида-алоҳида кўшиқдар, кейин эса улар бирлашиб, эпос ёки унинг энг йирик жанри эпопея вужудга келган. Кадимги эпос намуналари хақида гапирилганда, «эпос» ва «эпопея» тушунчалари, кўпинча, бир маънода қўлланилади. Овчининг қуён ёки бугу тутишдаги харақатлари эпос учун асосий мавзу қилиб олинган. Демак, эпос қаерда юзага келганлигидан катъи назар қахрамонликни мадҳ этувчи ижод намунаси сифатида майдонга келган. Машхур «Илиада» ва «Одиссея», «Алпомиш» ва «Манас», «Сосунлик Довуд» ва «Махобхорат», «Рамаёна» сингари барча йирик эпослар асосида қахрамонлик мадҳи ётади. Инсон фаолияти мураккаблашуви билан боғлиқхолда эпос ҳам тараққийлашиб борган. Аммо унинг асосий томони барибир қахрамонликни қуйлашдан иборат бўлиб қолаверган. Инсон фаолиятининг ўзгариши натижасида эпосда унинг жанрлардаги, мухаббат ва хақиқат, гўзаллик ва адолат учун курашлардаги қахрамонликлари ҳам қуйлана бошлаган. Шу тариқа эпосда халқ идеаллари ва умуман ҳаёт кенг қўламда камраб олинган.

Эпосга баъзан ҳаётдаги катта воқеа таянч қилиб олинган. Масалан, «Илиада» учун асосий мазмун сифатида оғир Троя уруши танланган. Гоҳида эпосга кичик, эпизодик, аммо катта умумлашмалар чиқаришга имкон берувчи воқеалар негиз бўлган. Жумладан, «Алпомиш»даги ходисалар кадимги икки уруг орасида закот масаласи туфайли келиб чиккан низодан бошланади.

Эпос, одатда, у ёки бу халқ, баъзида, умуман, бутун инсоният ҳаётидаги катта бир даврнинг кўзгусидир. Бу кўзгуда факатгина ташки воқеалар, маишату одатларгина эмас, балки даврнинг руҳи, фалсафаси, халқ кайфияти, истикболи ҳам акс ётади. Чунинчи, «Илиада» ва «Одиссея» кадимги юнонлар даврининг жанглари, худолари, қишилари, қахрамонликлари, ах-локий ва афсонавий қарашлари, орзу-умидлари хақида кенг тасаввур берса, «Алпомиш» эпоси халқимизнинг уругчилик ва қабилачилик замонидagi ҳаёти, урф-одатлари, дунёқараши, инсоний мухаббат учун курашишлари манзарасини яққол гавдалантиради.

Эпоснинг тугилиш даврида ҳамма ерда тўлигича халқ, жамоа ижодининг самараси бўлган. Аммо эпоснинг жамоа томонидан ижод этилганлиги унда алоҳида қучлар, истеъдодлар иштирок этганлигини инкор қилмайди. «Алпомиш» кадимда халқ томонидан айтилган бўлса-да, даврлар утиши билан у сайқалланиб, мукаммаллашиб келган. Албатта, бу мукаммаллашувда алоҳида бахшиларнинг хизмати ҳам катта бўлган. Фозил Йўлдош ўгли тилидан ёзиб олинган «Алпомиш»нинг бошка кўп вариантларидан, хатто Пўлкан шоир вариантидан ҳам мукаммаллиги, бадий пишиқдиги, халқ эпосининг

такомиллашувида айрим истеъдодларнинг хиссаси катталигини тасдиқловчи мисол бўла олади.

Эпос тараккиётида алохида истеъдодларнинг хиссаси ёзув кашф килиниши билан боғлиқ холда аниқроқ намоён бўла бошлаган. Қадимда «Илиада» эпосидаги кўшиқдар, афсоналар, воқеалар бўлак-бўлак холда турли шоирлар томонидан турлича айтиб юрилган. Буюк Гомер эса уларни жамлаб, танлаб, ижодий ишлаб, сайкал бериб, тугалланган, яхлит, катта таъсир кувватига эга бўлган асар холига келтириб, ёзиб қолдирган.

Ёзувнинг вужудга келиши билан эпос аввалги маъ-нодаги эпос бўлмай қолди. Энди у шахе ижодининг махсулига айлана борди. Рим шоири Вергилий, Гомернинг «Илиада»сини намунавий асар қилиб олиб, «Энеида» достонини ёзди. Киев Руссидаги номаълум муаллиф қахрамонликни қуйловчи «Игорь жангномаси»ни кашф этди. Қадимги Шарк халқларининг қахрамонликлари, қурашлари тўғрисида улуг Фирдавсий «Шохнома», Шота Руставели «Йўлбарс терисини ёпинган пахдавон» эпосларини ёздилар. Бу асарлар, фольклор намуналаридан ўсиб чиққан бўлсалар-да, кўпроқ ўша намуналарга эмас, балки бир-бирларига яқин эдилар. Оғзаки эпосдан фарқли холда, уларда мифологик, афсонавий дастак эмас, балки бадиий тафаккур етакчи ўринга чиққан эди. Воқеликни холис кўрсатишдек эпосга хос хусусият билан бир қаторда мазкур асарларда шахсий ибтидо яққол кўзга ташланар, яъни, шоирнинг шахсияти сезилиб турарди. Шу билан бирга воқеаларни кенг миқёсда қамраб олиш, даврнинг тарихий тажрибасини умумлаштириш, ахлокий меъёрларни гав-далантириш, миллий ва умуминсоний идеалларни уйғунликда ифодалаш сингари қадимги эпосга хос асосий хусусиятлар ҳам юқорида санаб ўтилган асарларда сақлаб қолинган эди.

Қадимги замон эпоси типидида асарлар ижод қилиш-га уринишлар кейин ҳам бўлган, немис шоири Клоп-шток «Мессиада», рус шоири Хересков «Россияда» каби достонларни ёзиб, уларда қадимги эпос хусусиятларини сақлаб қолишга ҳаракат қилганлар. Аммо бу асарлар муайян гоёвий-бадиий қимматга эга бўлса-да, илгариги эпослар каби шухрат қозонолмади, фақат ўз халқлари адабиётининг муайян ходисаси бўлиб қолди. Шу тариқа ривожланган етук давлатчилик тузуми даврига келиб, Гарб мамлакатларида қахрамонлик эпоси иккинчи ўринга ўтиб қолади. Гарбда драма, Шарк мамлакатларида эса лирика етакчи ўринга кўтарилди. Бироқ халқларнинг эстетик эҳтиёжлари мана шу адабий турларнинг ўзи билан тўлиқ қондирилиши қийин. Уларда «поэзиянинг олий тури, санъатнинг гултожи» ҳисобланган эпос хусусиятларини ўзида жамлаган, унинг ўрнини боса оладиган янги адабий жанрга эҳтиёж тугилади. Шундай жанрлардан бири сифатида поэма вужудга келади.

Поэма. Поэма жанри ўз тарихий тараккиёти даво-мида кўплаб кўринишлар касб этган. Шунинг учун унга аниқ ва катъий таъриф бериш қийиндир. Бироқ кўп холларда поэма шеър билан ёзилган лирик-эпик асар сифатида пайдо бўлиб, унда улугвор воқеалар, юксак характерлар, гўзал инсоний фазилатлар кўтаринки тарзда мадх этилади. Поэмаларда лирик ва эпик унсурларнинг нисбати, меъёри турлича бўлади. Айрим поэмаларда эпиклик, яъни воқеалар ҳикояси катта ўрин тутди. Хамид Олимжоннинг афсонага суянган «Ойгул билан Бахтиёр» асари шундай поэма—эпикалардан ҳисобланади. Бир қатор поэмаларда эпикликка нисбатан лиризм, яъни шоир хис-туйғулари, ўй-фикрлари, лирик чекинишлар, турли қахрамонлар ва ходисаларга

муносабат ифодаси устунлик килади. Бундай поэмаларнинг намунаси сифатида Хамид Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон»ини кўрсатиш мумкин. Лекин поэманинг кайд килиб ўтилган иккала кўринишида ҳам эпикликка лиризм чатишиб кетган бўлиб, у асарга муайян харорат ва жўшқинлик бахш этади. Шу хусусиятни кўзда тутиб, мутахассислар поэма хаётнинг юксак, улгвор лахзаларини камраб оли-шини алохида таъкидлаган эдилар.

Адабиёт тарихида бутунича лириклик негизига курилган поэмалар ҳам кўп. Уларда шоир муайян воқеа-ходиса, хаётий масала юзасидан ўз фикр-туйғуларини, ўй-мулохазаларини муфассал, эхтиросли тарзда ифодалайди, поэма эса калб кўшигига айланади. Бундай эпик сюжетга суянмаган асарлар лирик поэмалар деб ритилади.

Мумтоз ўзбек адабиётидаги кўплаб дostonлар хусу-ан, Хоразмийнинг «Муҳаббатнома», Хўжандийнинг «Латофатнома», Сайд Аҳмаднинг «Таашукнома» сингари асарлари хат тарзида битилган, лирик намуналар сифатида каралиши мумкин. Навоийнинг «Хайрат ул-аброр» дostonи ҳам лирикдир. Бизнинг замонамизда ёзилаётган ўзбек лирик поэмалари муҳим хаётий масала-лар, умумбашарий муаммолар юзасидан теран фалсафий мушоҳадаларга бойлиги, гуманистик теранлиги, таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Ойбекнинг «Даврим жарохати», Максуд Шайхзоданинг «Тошкентнома», Султон Акбарийнинг «Менинг маҳаллам», Хусниддин Шариповнинг «Куёшга ошикман», Эркин Воҳидовнинг «Палаткада ёзилган дoston» сингари поэмалари фикримизнинг далили бўла олади.

«Мен» қахрамон бўлган, содир этилган воқеанинг субъектив хис-туйғуларига суянган. Лирик поэманинг типик мисоли буюк реалист Ойбекнинг «Даврим жарохати» асаридир. У Япониянинг Хиросима шаҳрига 1945 йил 6 августда Америка авиацияси томонидан атом бомбаси ташланиши ва 140 минг кишининг халок ва ярадор килинишига қарши ёзилган. Хиросима XVI асрдан бери порт шаҳардир, Хонсю оролининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган, 1974 йил хисобига Караганда унда бир миллионга яқин аҳоли яшайди. Бу жойда машинасозлик, станоксозлик, кemasозлик, тўқимачилик, химия, коғоз, ёғоч саноати ривожланган, шoликoр, ўрмонзорлар билан қопланган. Поэма қайноқ пафосга эга. Тасвирлар ва хиссиётлар бир-бирини ўстириб боради, хис ва сезгилар орқасида қучли эстетик тафаккур шаклланади. Шаҳарнинг атом бомбаси ташлагунгача бўлган гўзал кўриниши, бомба портлаган асно ва бундан кейинги харобалик, кўп сонли қурбонлар қийчуви, реалистик норози тафаккур тугёнли калб садосига айланади.

Ойбек атомни олимлар хайрли иш учун деб қашф этган, дейди. Шоир бу ишда айбдор бўлган кишиларга ўз нафратини қаратади. Шоир тили чархланган, нақшин, хароратли, рангдор тасвирда ҳам контраст (карама-қарши) фарқ сезилиб туради: «олча гул шаҳри» — «йикик Хиросима ҳам қул, ҳам мажрух», «оқшом... қора мотам чойшабда шаҳар, оловлар, тутунлар қўққа чирмашур». Шоир атом бомбасини «офат-нур», «ажал-нур», деб атайди. Атом бомбаси мислсиз янги офат, у ҳақда-ги ифода ҳам оқорли. Шоир шундай дейди: «Арши аълодан у ағдарди тамўғ», «Бир онда хўплади атом қуроли», «Учди офат-қуёш, балоларча бош», «Чанг солар маъносиз ўлим панжаси», «Тарихда мисли йўқ, тенги йўқ жаллод».

Лирик қахрамон атом бомбаси ва унинг Хиросима шаҳрига ташланишига қарши, эстетик

идеали — тинчлик, озод, осуда хаёт, шоир бу машъум вокеа ташкилотчиларини аёвсиз лаънатлайди. Достоннинг конфликти хам тинчлик билан атом уруши ўртасидаги зиддиятга таянган. Атом уруши каттик кораланган. Достоннинг тинчликсевар гоёси хаётбахш ва инсонпарвардир.

«Даврим жарохати» Хоразмийнинг машхур «Мухаббатнома» лирик поэмаси анъанасини янгича давом эттиради.

XX асрда бундай лирик достонлар кўп ёзилди.

Лирик поэмалар хажми киска, «Даврим жарохати» лирик поэмаси ўн саҳифагинадир. XIX асрнинг бошларида Оврўпада романтизм окимининг ривожланиши муносабати билан романтик поэмалар тараккий килади. Бу поэмаларда ажойиб кахрамонлар ва вокеаларни акс эттириш, услубда кескинлик, ўткир хис-хаяжонлилик каби белгилар аниқ "зга ташланар эди. Мазкур белгиларни Байроннинг Чайльд Гарольд», Гюгонинг «Асрнинг афсонаси» сингари поэмаларида хам кўриш мумкин. Венгер шоири Ш.Петефининг «Пахдавон Янош», Г.Гейненинг «Германия. Киш эртаги», Пушкиннинг «Лўлилар», М.Ю. Лермонтовнинг «Мцири» каби романтик поэмаларида эса реализм хам ёркин кўрина бошлайди. XIX асрнинг иккинчи ярмида реалистик поэманинг гуллаши Н.А. Некрасов ижоди билан боглиқдир. Унинг «Русияда ким яхши яшайди?» поэмасида рус дехконлари хаётининг кенг, реал манзаралари акс эттирилади.

Достой. Ўзбек мумтоз адабиётининг энг катта ва кадимий жанрларидан бири достондир. Алишер Навоийнинг «Фарход ва Ширин» достони лирик-эпик эпосдир, хажми хам лирик поэмага караганда катта, шу сабабли уни «шеърый роман» хам дейишади, хакикатан унда эпизм — етакчи.

Чин мамлақати шохи Хисрав ўз вазири Мулкорога буюриб, гамгин ва хомуш ўгли Фарходнинг кўнглини очиш учун тўртта каср курдиради. Фарход Хисравнинг бирдан-бир ўгли. Подшо ўз фарзандининг тарбияси билан махсус шугулланади, дилбанди орзу-хавасларининг амалга ошиши учун ҳеч нарсани аямайди. У меҳрибон ота, боласига кўп хунар, билим ва фанларни ўргатти-ради, бунинг учун бутун шароитни яратади. Фарход илму фан ва хунар ўрганишга кўп аҳамият бериш хақидаги халқ идеалларининг мужассами, акдли, доно бўлиб етишади; у — мард, кахрамон, ишчан, аммо мансабга кизикмайди. Отаси унга подшо бўлишни так-лиф килади, Фарход эса унамайди, хали ёшман, тажриба ва илмим оз, дейди. Бу хол темурийзодаларнинг тахт талашиб, кирпичок бўлишларига Навоийнинг аччиқ киноясидир.

Фарход отасининг хазинасида Искандарнинг сан-дикка ўхшаш ойнасида Ширинни кўради ва унга ошиқ бўлади.

Унинг қисмати шундай шаклланадики, отаси билан Юнонистонга бориб, дуч келган аждаҳо ва Ахраман дев каби ёмон жонзодларни енгади, Хизр билан учрашади, сўнг Ширинни излаб, йўлда карокчиларни тор-мор килади, Арманистонга боради; тоғда ариқ казиб, чашмадан сув олиб келиш учун меҳнат килаётган халқка кўмаклашади, у бу ишда мислсиз кахрамонлик кўрсатади, буни Арманистон ҳукмдори Меҳинбону ва Ширин келиб кўради ва Фарходдан миннатдор бўлади. Шу сабабли, достон кахрамонлик эпоси тусини олади ва бунинг ёзма адабиётдаги намунасига айланади. Фарход севги, илм ва хунар туфайли меҳнат ва жанг кахрамонига айланади.

Шох Хусрав Парвиз Ширинга совчи юборади, рад жавобини олгач, кўшин тортиб келиб, Арманистонни босиб олади: Фарходни асир этади ва Салосил кўргонига камайди. Достон сюжетининг кульминацияси Фарходнинг Хусрав билан қилган бахсидир.

Бу бахсли мунозарада Фарходнинг донолиги, Хусравнинг кўполлиги сезилиб туради. Хусрав — жохил бўлса, Фарход — мутафаккир, Хусрав — пўписачи, тез бўлса, Фарход — босик ва тўгри сўзли.

Бошка халқлар «достонларида иккинчи даражали ўринга эга бўлган Фарход» Навоий томонидан «йирик асарнинг марказий қахрамони сифатида» ишланди.

Хусрав Арманистонни босиб олади, маккор кампир оркали Мехинбону Хусрав билан сулх тузади. Ширин ўзини ўлдирди, деб ёлгон хабар етказди, буни эшитган Фарход ўлади. Хусрав — боскинчи, айёр, пасткаш, виждонсиз, зўравон, золим киши.

Ширин конхўр Хусрав ва унинг хаёсиз ўгли Шеруянинг севгисини рад этади, унга теккунча, ўлимни афзал кўради. Чунки Хусрав зулмкор бўлса, Шеруя Ширинга эришиш учун отасини катл эттиради. Бу улуг шоирнинг ўз отаси Улугбекни ўлдиришда катнашган Абдуллатифга шамасидир. Ширин — гўзал, софдил, вафодор. Ширин Фарходга хат элтишда айбланган Шопурни бандиликдан озод қилади. Фарход жасадини кучганича Ширин ҳам вафот этади. Буни эшитган Мехинбону эса ўзини ўлдиради. Шундай қилиб адолатсиз ҳукмдорлар фожиага сабабчи бўладилар. Фарходнинг амакиваччаси Баҳром кўшин билан келиб, Шеруяни ўз юртига жўнатиб юборади ва Арманияга янги ҳукмдор тайинлайди. Адолат қарор топади, золимлар ўз айбларига яраша жазо оладилар.

25-бобда илохий (ҳақиқий) ва мажозий (дунёвий) севги дангалрок ифода қилинган; бу икки севги аралаш, омукта тасвирланади. Илохий севги туфайли севишганлар висолга етиша олмайдилар. Халқ анъанавий оғзаки эпосларида севишганлар муроду мақсадларига етишадилар, чунки уларда акс этган муҳаббат дунёвийдир.

Дунёвий севги (ишқи мажозий) концепцияси самовий севгига, Худога бўлган севгига аллегория сифатида илохий севги (мажозий севги, тўлик севги ва демак «аллегорик севги») билан кўшилиши мусулмон Шарқида суфизм анъанаси билан узвий боглик. Бу ердаги суфизм анъаналари эса Оврўпадаги пантеизм фалсафаси билан алоқадор. В.М.Жирмунский ўзининг «Алишер Навоий ва Шарқ адабиётларида Ренессанс муаммоси» деган мақоласида бу фикрни давом эттириб дейдики, «Ренессанс билан тугишган Навоийнинг шоир сифатидаги мафқураси ўз ижодига ҳос асосий интилишлари жихатдан «Фарход ва Ширин» достонида тўларок очилади». Ҳақиқатан, достоннинг асосий гоёси Хусрав билан Фарходнинг севги ҳақидаги мунозараси ва Сукрот башоратидан маълум бўлади. Юнонистонда тоғ ёнидаги горда яшовчи Сукрот Фарходга шундай дейди: «Мен минг йилдан буён шу тоғлар орасида пойи қадамингга интизорлик тортаман... Худо инсонни вужудга келтирган экан, инсоннинг дунёда яшашдан кўзлаган мақсади Тангрининг буюрганига хурсанд бўлиш, буюрганидан бошқасини қилишдан тортиниш бўлмоғи керак. Инсонга ҳақиқий маҳбуб унинг ўзи бўлиб, унинг васлига етишиш учун йўл босиши зарур. Кишининг умиди ўша маҳбуб бўлиб қолса, унинг катта омади, абадий бахти шудир... Унга эришиш жуда ҳам мушкул... Бунинг учун инсон аввало ўзлигидан воз кечиши, уни йўқ қилиши, сўнг ўша маҳбубини қидириб топиши керак. Киши ўзлигини йўқотмай туриб, уни топа олмади. Кишига ўзлигини йўқотишнинг бирдан-бир чораси ишқи мажозий бўлиб, бунинг учун бошка нарсани қидириб ўтиришнинг ҳожати йўқ... Мажозий ишқ бамисоли бир нурли тонг бўлиб, ҳақиқий ишқ эса унинг Шарқдан чиққан қуёшидир... Сенинг олдинда турган ишқ ишқи мажозийдир. У сенинг вужудингни қуйдириб, ўртантиради... Агар мажозий ишқдан жонинг ўртаниб, фано селидан хонумонинг бузилса, у вақтда ҳақиқий ишқдан майин шабада эсиб, унинг енгил шабадасидан димогингга яхши хид урилади. Асл маъшуканг ёрдам қўлини чўзиб, мажозий ишқинг ҳақиқийга айланади» (насрий баён).

«Назм... балогати хамиша халк балогати билан йўлдош бўлади». Халкнинг Фарходга хайрихоҳлиги бежиз эмас. Достонда турли халкларнинг вакиллари бир-бирларига ахил кўрсатилган. Фарход ўзбек, у арман кизи Ширинни севади. Фарход ҳам, унинг ишки ҳам идеалдир, лекин бу идеал реалистик йўналишлар билан йўгрилган.

«Фарход ва Ширин» достони уруш ва боскинчиликни коралайди, севги фожиасига давр сабабчи деб кўрсатади, у романтизм ва реализм (синтетик) методида ёзилган бадиий асардир. С.Эркинов «Асарда яратувчилик меҳнатини куйлаш ўз навбатида мустақиллик сама-раларини ер билан яксон килувчи истилочилик урушларига карши кураш гоёси билан уйгунлашиб кетади», дейди. А.Хайитметов айтишича, «Навоий ҳам ўз даврининг мислсиз зўр гуманистларидан бўлиб, даврининг деярли ҳамма масалаларини гуманизм масаласи билан боғлаган ва ўзининг барча шеърини талантини шуни куйлашга бағишлаган эди».

Шаркшунос олимлар айтишига караганда, Искандар даврида Хирот ва Самаркандда универсализм ҳукм сурган, сўнг эса ислом маданияти ривож топди. XV аср эса Навоийнинг ҳаётий гоёлари давридир. «Агар форс-тожик адабиётининг деярли беш аср мобайнида жуда катта тажриба эгаллаб олганлигини назарда тутсак, бу адабиёт билан мусобакалалашмоқчи бўлган муаллиф олдида канчалар кийинчилик мавжудлиги ўз-ўзидан маълум бўлади».

Академик Н.И.Конрад «Ўрта Шарк Уйғониши ва Алишер Навоий» деган мақолада дейдики, «Алишер Навоий деган шоир бўлганлигидан қувонамиз! Бизга шундай шоирни ҳаёти килиб келтирган ўзбек халқига буюк раҳмат айтаемиз. Уни ўрганибгина қолмаймиз, ўқиймиз ҳам. Нафакат мутолаа қиламиз, у ҳақида ўйлаймиз ҳам. Уни ўзимизники қилиб оламиз! У Ренессанснинг бир буюк милодидан бошқа янада каттарок тарихий мазмундаги Ренессансга қелди». Навоий гоёлари ва идеаллари жаҳон халқлари адабиётлари гоёлари ва идеаллари билан боғланган. Ўзбек адабиётида «Фарход ва Ширин» достони билан тенглаша оладиган асар хали ёзилган эмас. Навоий ижодининг оламшумуллиги ҳам шундадир.

XV асргача бўлган жаҳон адабиёти тарихига қамолот тимсоли бўлган, бош қахрамон Фарход образини Низомий ва Ҳисрав Дехлавий эмас, балки Навоий олиб қирган. Ўзбек поэталарининг вужудга қелишида халқ оғзаки ижоди муҳим ўрин тутган. Чунки ўзбек халқи жуда бой оғзаки анъанавий достонлар ҳазинасига эгадир. Қадимги халқ кўшиқ ва термаларида анъанавий халқ достонларининг дастлабки унсурлари вужудга қела бошлаган эди. Буни машҳур тилшунос олим Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луготит турк» асаридаги кўшиқ ва лирик парчаларда кўриш мумкин. Улар орасида муайян бирор воқеани эпик тарзда баён қилувчи баёнчининг у воқеага бўлган муносабати ифодаланган ўринлар бор; жанг тасвирига бағишланган кўшиқлар содда композиция ва ўсувчи сюжетга эга бўлиб, унда бир қабиланинг душманга қарши ҳужуми, улар ўртасидаги шиддатли жанг, душманнинг қочиши, қалабадан кейин зафар қўшигининг қуйланиши баён қилинади. Кейинчалик халқнинг ёвуз босқинчи душманларга қарши олиб борган курашлари натижасида ўша воқеаларга бағишланган достонлар («Гўрўгли» туркумидаги асарлар) пайдо бўлиб, улар ёзма адабиётдаги поэмачиликнинг тугилишида пойдевор вазифасини ўтайди. Ёзма адабиётда халқ достонлари қаминида тарихий даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан уз-вий боғланган поэмалар вужудга қелди. Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайхо», Хайдарнинг «Гул ва Наврўз», Навоийнинг «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонлари шундай асарлар жумласига қиради; бундай

достонлар учун халк огзаки ижодида вужудга келган эртак ва афсоналар манба бўлган, лекин улар ҳам шакл, ҳам мазмун жихатидан қайта ишланган. Аник шарт-шароитларга, мухим ижтимоий-сиёсий, ахлокий масалаларга багишланган.

Мумтоз адабиётимизда кахрамонлик, романтик, дидактик-фалсафий достонлар ҳам йўқ эмас. Навоийнинг «Хамса»сига кирган асарларда, «Лисон ут-тайр»да ва бошқа кўпчилик достонлардаги романтик сюжет чизикларида, персонажларнинг кахрамонона хатти-харакатларида, лирик чекинишлар ва фалсафий мушохадаларда адолат, инсонпарварлик, олижаноблик, дўстлик ҳамда соф мухаббат гоялари олга сурилди ҳамда муаллифнинг ўз давридаги сиёсий вазиятга бўлган муносабати ифодаланди. Бу асарларда иштирок этувчи кахрамонларнинг сони кўп ва хилма-хилдир. Улар кўпинча катта куч-қудратга эга бўлган кишилар, лашкарбошилар, подшоҳлар, донишмандлар, мунажжимлар, оддий одамлар, канотли отлар, аждарлар, сирли кушлар ва илохий кучлар кийфасида кўринадилар. Мумтоз достонлар «Гул ва Наврўз» ёки Навоийнинг «Фар-ход ва Ширин» асарлари композицияси ва шакли ҳам хозирги поэмаларнинг композиция ва шаклидан фарк қилади. Бундай достонларда алохида кириш қисми («хамд», «мукаддима», «наът», «мадх» ва «сабаби наз-ми китоб») бўлиб, уларда шу достоннинг ахамияти ва қиммати, шу мавзуда бошқа шоирлар томонидан аввал ёзилган достонларнинг ютуқ ва камчиликлари, ўз асарининг улардан фарқи, бадиий адабиётнинг ахамияти, шеърий нутқнинг насрий нутқдан устунлиги, асарнинг ёзилиш сабаби, қимга багишланганлиги ҳақида гапирилади ва сўнгра воқеа бошланади. Навоийнинг «Хайрат ул-аброр» асарида асосий қисм (воқеа) 18-бобдан, «Фарход ва Ширин»да 12-бобдан бошланади. Достоннинг хотимасида эса муаллиф ўзи ва ўз меҳнати, замони ва замондошлари ҳақида фикр юритди.

Ўзбек мумтоз достонларининг композицион тузилиши ва тасвирий воситалари жуда ранг-барангдир. Уларда романтик тасвир, кучли муболага ва мураккаб ўхшатишлар, кахрамон номидан гапириш, монолог ва диалогларни бериш, мактублар келтириш каби усуллар кенг қўлланилган. Буларнинг ҳаммаси кахрамон образини юзага келтиришга хизмат қилади.

XX асрда ўзбек мумтоз достончилигининг анъанавий мавзулар доираси, гоё ва образлари, композиция ва услуби ўзгаради; бунда унинг энг мухим белгилари ва ўзига хос томонлари сақданиб қолди ҳамда ўзбек реалистик поэмачилиги учун дастак вазифасини ўтади.

XX аср ўзбек поэмалари ўзларининг реализми, эпик ва лирик жихатларнинг бирикиб кетиши, воқеаларнинг қўламчилиги ва тарихий аниқлиги, шаҳе ва халқ тақдири кўшиб ифодаланиши, муаллиф ҳамда кахрамон гоёларининг ўзаро боғлиқликда юзага чиқиши би-лангина эмас, балки композиция ва сюжетни созлаш, образларни типиклаштириш ва индивидуаллаштириш, характерларни тасвирлаш йўллари, услуби ва шеър тузилишидаги ўзига хосликлар билан ҳам мумтоз дос-тонлардан фарқланиб туради.

Оврўпа ва рус адабиёти таъсирида шаклланган, қиска лирик-эпик асарларни «достон» деб эмас, балки «поэма» деб аташ тўғрирокдир.

Повестда турмушнинг кўплаб қирралари камраб олинади, айрим персонажларнинг ҳаёт йўли муфассал акс эттирилади. А.С.Пушкиннинг «Капитан кизи», Л.Н.Толстойнинг «Хожимурод», А.Кахдорнинг «Синчалак», Асқад Мухторнинг «Коракалпок кассаси» повестлари ана шундай асарлардандир. Шунга кура, роман, повесть ва хикояни катта, ўрта ва кичик жанрларга ажратиш, умуман, тўғридир.

Повесть ва хикоя ривожу роман тараккиёти билан ёнма-ён равишда давом этган ва кўплаб муштарак белгиларга эга. Роман жанри олдида турган айрим вазифалар улар зиммасига ҳам юкланган. Факат бу жанрлар мазкур вазифаларни адо, этишда хаётни турли кўламда камраб олишга кўра фаркданган. Шу сабабли В.Г.Белинский ўз замонидаги роман ва повесть хакида гапи-риб, (у даврларда «хикоя» атамаси жуда кам кўлланилар ва кўпинча хикоялар ҳам повесть деб аталарди) уларнинг манбалари орасида жиддий тафовут йўклигини ва бу манбалар факат хажмига кўра фаркдани-шини алохида кайд килиб ўтган эди. «Хозирги замондаги бизнинг хаётимиз, — деб ёзган эди танкидчи, ўта ранг-баранг, кўп киррали, таркокдир; биз уни поэзиядаги образларда худди киррали, бурчакли биллур каби... акс этишини хохлаймиз... Шундай ходисалар, шундай воқеалар борки, улар драма учун камлик килади, роман учун етарли бўлмайди. Лекин улар шу кадар чукур бўладики, бир лахзанинг ўзида асрларга тенг хаётни мужассамлаштиради: повесть уларни... ўзининг тор доирасига бирлаштиради. Унинг шакли ўз ичига ҳамма нарсани... хулк-атворлар очеркини ҳам, инсон ва жамият устидан аччик кинояли кулгини ҳам, яширин калб сирларини ҳам, эхтиросларнинг шафкатсиз ўйи-нини ҳам камраб олиши мумкин».

Эркин Худойбердиев